

Тарихдаги энг қайғули кун



09:18 / 16 сентябрь 2854

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратнинг ўн биринчи йили рабиъул аввал ойининг ўн иккинчи куни, чошгоҳ ва пешин ўртасида бу ўткинчи дунёни тарк этдилар (Ибн Саъд, Табақот 2/215; Ибн Касир, Бидоя 5/282, 294, 295, 296, 313).

Ўша куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафоти ҳақидаги хабар барча мусулмонлар учун катта зарба бўлди. Шубҳасиз, бу улар учун катта йўқотиш эди. Мадина мусулмонларининг кўплари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотидан хабардор бўлиб, масжидга шошилдилар. Ушбу воқеадан ҳайратда қолган Умар розияллоҳу анҳу масжидда тўпланган оломонга қарата: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлмаган ...» деб қайтарарди. (Ибн Ҳишом, Сийра, 2/215).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб Абу Бакр розияллоҳу отга миниб дарҳол Масжидун Набавийга етиб келди. У Сунҳ деган жойдаги уйида эди. Умар розияллоҳу анҳу ҳамон ўша гапни такрорларди. Абу Бакр жамоатни тинчланишга буюрди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам охириги кунларини ўтказган хонага қизи Оиша розияллоҳу анҳонинг олдига кирди.

Хонага кириб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вужудларига ёпилган матони очди ва пешоналаридан ўпди. Унинг кўзлари ёшга тўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб: **«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизга икки марта ўлим бермайди. Ўлимни тотдингиз. Бундан кейин энди ўлимни бошқа тотмайсиз»**, деди. Ва «Зумар» сурасининг 30-оятини тилга олади:

نَوْتِي مُمْؤِنًا وَتِي مَكْنًا

«Албатта, сен ҳам ўлгувчисан, улар ҳам ўлгувчидирлар».

Сўнг: «Шу ҳолатда ҳам ҳаётдаги каби гўзалсиз», деб хонадан чиқди. (Ибн Ҳишам, Сийра, 2/216; Ибн Саъд, Табақот, 2/209).

Унинг гаплари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жасадлари билан бир хонада бўлганларни тинчлантирди. Абу Бакр жазавага тушмади, аксинча сокинлик ва босиқлик билан мусулмонлар жамиятига вазиятни тушунтириш ва уларнинг саросимага тушишига йўл қўймасликни ўйларди. Умар ҳануз ўша сўзни такрорларди: «Муҳаммад ўлмаган!..» Абу Бакр ундан ўтиришни сўради.

Одамларнинг диққат-эътибори Абу Бакр томонга йўналгандан сўнг, у жамоатга шундай деди: **«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ибодат қилганлар бўлса, билинги, У вафот этди. Ким Парвардигорга ибодат қилган бўлса, билинги, У абадий тирикдир»**. Кейин Қуръони Каримдан қуйидаги оятни ўқиди:

يَعْلَمُ تَبْلِقِنَ الْتُقُ وَأَتَامَ نِإْفَأْ لُسُرْلِلْهَلْبَقْ نَمَ تَلَخْ دَقُ لُسَرَالِ دَمْحُمَ أَمَو
هُلَلِ زَجَيَسَوَ أَيْشِي شَهْلَلِ رُضَي نَلَفَهَيَبَقَعِ يَلَعُ بِلَقِنَي نَمَو مَكْبَاقِعْ أ
نِي رِكْأَشِلَا

«Муҳаммад ҳам бир Расул, холос. Ундан олдин ҳам расуллар ўтган. Агар у ўлса ёки қатл қилинса, орқангизга қайтасизми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч қандай зарар келтира олмас. Ва Аллоҳ шукр қилувчиларни албатта мукофотлар» (Оли Имрон сураси, 144-оят).

(Ибн Ҳишом, Сийра, 2/216; Ибн Саъд, Табақот 2/211; Ибн Касир, Бидоя, 5/280)

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.